

Х У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2024 йил ноябрь ойининг 11-кунида жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, жиноят ишлари бўйича Денов туман суди билан ВКС орқали бўлиб,

Раислик қилувчи М.М.Сафаров,

судья ёрдамчиси С.Хошимованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд туман прокурори ёрдамчиси А.Фармонов, жабрланувчи Л.Кучаров ва Ш.Мадиевлар, фуқаровий даъвогар С.Пардаев, судланувчи Д.Асланов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Тошевларнинг иштирокида, Асланов Дилмурод Гафуровичга нисбатан бўлган № 1-1402-2402/255-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи: Асланов Дилмурод Гафурович (Aslanov Dilmurod Gafurovich), 1982 йил 04 январь куни Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Денов тумани, “Чоргул” маҳалласи, Диёр кўчаси, 2-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 16 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг кўргазмаларини тинглаб, тарафларнинг музокаларини ҳамда судланувчининг охирги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Асланов Дилмурод Гафурович, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини қуйидаги усул, вақт ва ҳолатларда эҳтиётсизлик орқасида содир этган.

Жумладан, судланувчи Асланов Дилмурод Гафурович 2024 йил 01 август куни соат 13:00 ларда ўзининг бошқарувидаги фуқаро Ж.Тошевнинг номига расмийлаштирилган аслида эса фуқаровий даъвогар Ж.Ботировга тегишли бўлган “Isuzu FVR 33 PLX” русумли, 75 R 393 LA давлат белгили юк машинасини ижара шартномаси асосида Самарқанд тумани “Миронкул” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи А378 автомобиль йўлининг 12 километрида “Қарши-Тошкент” йўналиши бўйлаб бошқариб бориб, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 31-банди 9-қисмида “қизил ишора, шунингдек, милтилловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди” деб кўрсатилган талабларини, 64-бандида “Рельсиз транспорт воситалари ҳаракатланадиган бўлақлар сони чизиқлар ёки 5.8.1, 5.8.2, 5.8.7, 5.8.8 йўл белгилари билан белгиланган. Бундай чизиқлар ёки



йўл белгилари бўлмаса, ҳайдовчилар ҳаракатланиш бўлаклари сонини, қатнов қисмининг кенглигини, транспорт воситалари орасидаги зарур ёнлама оралиқ масофани ва луарнинг габарит йўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ўзлари аниқлайдилар” деб кўрсатилган талабларини ва 77-бандидаги «Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тусиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак» деб кўрсатилган қоидаларини қўпол равишда бузиб, ушбу йўлнинг “Қарши-Самарқанд” йўналиши бўйлаб, йўлнинг қатнов қисмида мавжуд бўлган светафорнинг қизил чироғида тўхтаб турган ҳайдовчи (фуқаровий даъвогар) Пардаев Салим Сувановичнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 30 О 519 ХА давлат рақам белгили автомашинасини орқа қисмидан уриб юбориб, шундан сўнг шу йўналишда светафорнинг қизил чироғида тўхтаб турган ҳайдовчи (жабрланувчи) Мадиев Шодибой Пирмахматовичнинг бошқарувидаги “Транс Азия” МЧЖга тегишли бўлган “Хундай Соната” русумли, 01 807 ВНА давлат рақам белгили автомашинасини ҳам орқа қисмидан уриб юбориши натижасида, “Дамас” русумли, 30 О 519 ХА давлат рақам белгили автомашинада йўловчи сифатида кетаётган жабрланувчи Кучаров Лазиз Эркиновични ўртача оғир шикаст ҳамда жабрланувчи Мадиев Шодибой Пирмахматовични оғир шикаст тан жароҳатлари олишларига, шунингдек автомашиналарга моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

РСТЭИАМ Тошкент шаҳар филиалининг 27.08.2024 йилдаги №6013-сонли хулосасига кўра, жабрланувчи Ш.Мадиевда куйидаги тан жароҳатлари аниқланганлиги, яъни чап сон суяги кўстлар остидан ёпиқ майдаланиб синиб силжиши, ушбу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида кўрикдан ўтувчини, тиббий хужжат ва қарорда кўрсатилган вақтда юзага келган бўлиши мумкинлиги, ушбу тан жароҳатлари реал оқибати ва тиббий ёрдам кўрсатилгани (ёки кўрсатилмаганлиги)дан қатъий назар умумий меҳнат қобилиятини салмоқли қисмининг, яъни учдан бирдан кўпроғини турғун йўқотилишига олиб келишлиги, шу белгисига кўра, оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳатлари деб баҳоланишлиги кўрсатилган.

РСТЭИАМ Самарқанд филиалининг 30.08.2024 йилдаги №2919-сонли хулосасига кўра, жабрланувчи Кучаров Лазизнинг танасида, яъни бел, ўнг чанок сон бўғими, кўкрак қафаси соҳалари юмшоқ тўқималари лат ейиши, бел соҳасида эзилиб йиртилган яра, учинчи ва тўртинчи бел умуртқалари ён усимталарини синишлари каби жароҳатлари мавжудлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида, яъни ҳаракатда бўлган автомашиналарнинг ўзаро тўқнашувида автомашина салони ичидаги бўртиб чиққан қисмларининг швматик таъсири натижасида юзага келган бўлиши мумкинлиги, юқорида кўрсатилган жароҳатлар соғлиқни йигирма бир кундан кўп, аммо бир юз



йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлишлиги, шунинг учун ўртача оғирликдаги шикаст гуруҳига киришлиги, жароҳатларнинг етказилган вақти қарорда, тиббий баёнда қайд этилган ҳамда текширилувчи шахснинг ўзи кўрсатма берган муддатга, яъни 2024 йил 01 август кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

РСЭМ Самарқанд филиалининг 30.08.2024 йилдаги 29/31(2935)13.3Z-сонли ҳулосасига кўра, “Isuzu FVR 33 PLX” русумли, R 393 LA давлат белгили юк машинасини руль бошқарув тизими ва ишчи тормоз тизими ишлаш қобилиятига эга бўлганлиги кўрсатилган.

Судланувчи Асланов Дилмурод Гафурович ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси

1-қисмида кўрсатилган жиноятни эҳтиётсизлик орқасида содир этган.

Судланувчи **Асланов Дилмурод Гафурович** суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Тошев Жасурбек Хайдаровичнинг номига расмийлаштирилган аслида эса уни акаси Ж.Ботировга тегишли бўлган “Isuzu FVR 33 PLX” русумли 75R393LA давлат рақам белгили юк автомашинасини ижарага олиб, ушбу автомашина билан асосан юк ташиш билан шуғулланиб келганлигини, 2024 йил 01 август кун соат 13:30 лар атрофида у ўз бошқарувида бўлган “Isuzu FVR 33 PLX” русумли 75R393LA давлат рақам белгили юк автомашинасини А378 автомобиль йўлининг Самарқанд тумани, “Миронқул” маҳалласи худудидан ўтувчи қисмида “Қарши-Тошкент” йўналиши бўйича йўлнинг қатнов қисми ўнг томон бўлаги билан соатига 40-50 км/соат тезликда бошқариб кетаётганда, ўзидан олдинда бир йўналишда “Дамас” русумли автомашинаси кетаётганлигини кўргани, йўлнинг қатнов қисмидаги светофорда етишига тахминан 50-60 метрлар қолганида, светофорнинг чироғи яшил ёнган ҳолда бўлганлигини, светофорга тахминан 20-25 метрлар қолган вақтида светофорнинг яшил чироғи ёниб учиб бошлаганлигини, шу вақтида ундан олдинда кетаётган “Дамас” русумли автомашина тахминан 10-15 метрлар олдинда кетаётган бўлганлигини, “Дамас” русумли автомашина светофор олдида етишига тахминан 3-4 метрлар қолганда, бирданига светофорнинг таъқиқловчи қизил чироғи ёнгани, шунда “Дамас” ва ундан олдинда кетаётган “Хундай Соната” автомашиналари дарҳол тўхтагани, шу вақти у “Дамас” ва ундан олдинда ҳаракатланаётган автомашиналар светофорга тўхтамасдан ўтиш кетишади деган фикрда, автомашинасини тезлигини салгина камайтирган ҳолда бошқаришни давом эттиргани, “Дамас” русумли автомашина бирданига светофорда тўхтаганлиги сабабли, у автомашинасини тормозини босган вақтида автомашинасини тормози ишламай қолганлигини, шу сабабли у “Дамас” русумли автомашинанинг орқасидан бориб урилганлигини, шу вақтида “Дамас” русумли автомашина ўзидан олдида бўлган “Хундай Саната” русумли автомашинага урилиб, йўлнинг иккинчи бўлагига ўтиб қолганлигини, натижада “Хундай Саната” русумли автомашина унинг йўналишига чиқиб қолганлигини, шунда у автомашина тормози ишламаганлиги сабабли, “Хундай Саната” русумли автомашинасини орқа қисига бориб тўқнашиб, йўл ёқасидаги пастликка тушириб юборгани, кейинчалик “Дамас” автомашинасида йўловчи сифатида кетаётган Л.Кучаров ва “Хундай Соната” автомашинаси ҳайдовчиси Ш.Мадиевалар тан жароҳатлари олишганини билгани, шундан сўнг ходиса содир бўлган жойга ИИБ ходимлари



келишиб, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришгани, айти пайтда жабрланувчиларга ва фуқаровий даъвогарларга етказилган зарарларни тўлаш учун моддий имконияти мавжуд эмаслиги, бироқ кейинчалик етказилган зарарларни тўлаб беришга ваъда беришлигини билдириб, кўратув берди. Судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичнинг айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, судда сўроқ қилинган жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг кўргазмалари, экспертиза хулосалари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан ҳам ўз исботини тўлиқ топган.

Жабрланувчи **Кучаров Лазиз Эркинович** суд мажлисида, 2024 йил 1 август куни амакиси Пардаев Салим Суванович билан биргаликда унинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 30 О 519 ХА давлат рақам белгили автомашинасида Самарқанд тумани ҳудудида жойлашган автомобилларга эҳтиёт қисмлари сотадиган бозорга бораётгани, амакиси С.Пардаев автомашинасини Самарқанд тумани, “Миронкул” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи А378 автомобиль йўлини “Қарши-Тошкент” йўналиши бўйлаб соатига 60-70 км/соат тезликда йўлнинг ўнг биринчи бўлагида кетаётган бўлганлигини, Самарқанд тумани Миронкул маҳалласи ҳудудида жойлашган “Сил касалликлар” диспанцери олдига ўрнатилган йўлни тартибга солувчи светафорнинг олдига яқинлашганда, улардан олдинда кетаётган қора рангли “Хундай Соната” русумли автомашина светафорнинг қизил чироғи ёнганидан сўнг тўхтаганлигини кўриб, улар ҳам ушбу автомашинага орқасидан тахминан 3 метрлар орқада тўхтаб турганлигини, сўнг улар светафорнинг яшил чироғи ёнишини кутиб турган вақтларида, бирданига уларнинг орқаларида зарб текканлиги, натижада у ҳушидан кетгани, кейинчалик билишича улар светафорнинг қизил чироғида кутиб турган вақтларида, автомашинани орқасидан судланувчи Д.Асланов бошқарувидаги “Isuzu FVR 33 PLX” русумли автомашина билан тўқнашганлиги, бундан ташқари судланувчи Д.Асланов автомашинаси билан улардан олдинда турган “Хундай Соната” автомашинасига ҳам тўқнашганда, мазкур автомашинани ҳайдовчиси Ш.Мадиев ҳам тан жароҳати олгани, суланувчи Д.Асланов уни даволаниши учун ҳамда амакиси С.Пардаевнинг автомашинасига етказилган зарарларни умуман қопланмагани, шу боисдан судланувчидан уни даволаниши учун кетган 6 000 000 сўм арарни ундириб беришликни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи **Мадиев Шодибой Пирмахматович** суд мажлисида ВКС орқали сўралганда, у “Транс Азия” МЧЖга тегишли бўлган “Хундай Соната” русумли, 01 807 ВНА давлат рақам белгили автомашинасини 204 йил 01 август куни соат тахминан 13-00ларда Сурхандарё вилоятидан тазия маросимига қатнашиб, Тошкент шаҳрига қайтиб кетаётган вақтида, Самарқанд тумани, “Миронкул” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи А-378 автомобиль йўлининг 12-килоетирида Самарқанд йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган вақтида, светафорнинг қизил чироғи ёнганлиги сабабли, ушбу жойда тўхтаб турганида, йўлни икки нотаниш киши кесиб ўтаётганлигини кўрганлигини, шу вақтда у чанқаганлиги сабабли автошинада бўлган сувни олиб ичмоқчи бўлганида, унинг бошқарувида бўлган автомашинасининг орқа томонидан бир нотаниш “Дамас” русумли автомашина уриб юборганлигини, ушбу ҳолатни англаб олмаганидан унинг автомашинасини “Исузи” русумли юк автомашина уриб



юбориб, унинг автомашинасини пастга тушириб юборгани, кейинчалик билишича йўл-транспорт ҳодисаси содир этган шахс Асланов Дилмурод эканлигини билгани, мазкур ҳодиса натижасида у оғир тан жароҳати олгани ва МЧЖга тегишли автомашинага 262 804 232 сўм миқдоридаги моддий зарар етказилгани, судланувчи уни ҳолидан умуман хабар олмагани, шу боисдан судланувчи Д.Аслановдан уни даволаниши учун кетган 19 724 000 сўм зарарни уни фойдасига ҳамда МЧЖга тегишли бўлган автомашинага етказилган 262 804 232 сўм моддий зарарни МЧЖ фойдасига ундириб беришилкни сўраб, кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар **Пардаев Салим Суванович** суд мажлисида, 2024 йил 01 август куни соат 12:00ларда яшаш уйидан қариндоши Кучаров Лазиз Эркинович билан биргаликда бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 30 О 519 ХА давлат рақам белгили автомашина билан Самарқанд тумани ҳудудида жойлашган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи бозорга бориш учун йўлга чиққанлигини, у автомашинани бошқариб, Самарқанд тумани “Миронкул” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи А378 автомобиль йўлининг 12 километрида жойлашган светофорга яқинлашганда қизил чироғи ёнганлиги, ушбу тўхташ ишорасида тўхтаб турган кейинчалик билишича Мадиев Шодибой Пирмахматовичнинг бошқарувида бўлган “Хундай Соната” русумли, 01 807 ВНА давлат рақам белгили автомашинасини орқа томонидан тўхтаганлигини, шунда у қариндоши Л.Кучаров ушбу “Хундай Соната” русумли автомашинани қулайликлари ва нархлари ҳақида гапира бошлаганлигини, улар ушбу мавзу ҳақида тахминан 10 сония гаплашиб турганида, унинг бошқарувида бўлган автомашинанинг орқа қисмидан нимадир урилганлигини, шу вақтнинг ўзида у ҳушини йўқотганлигини, ҳушига келганида эса, у ўзининг бошқарувида бўлган автомашинани ичида ётган бўлганлигини, шу ерда бўлган одамлар у ва Л.Кучаровни автомашинадан тушишга ёрдамлашишганлигини, унга кейинчалик маълум бўлишича, унга шу вақтда таниш бўлган ҳайдовчи Асланов Дилмурод Гафурович ўзининг бошқарувида бўлган “Исузу” русумли, 75 R 393 LA давлат рақам белгили юк машинаси билан уни бошқарувида бўлган автомашинанинг орқа қисмидан уриб юборганлигини, шу вақтда у ҳушини ва автомашина бошқарувини йўқотиб, ундан олд томонда ҳайдовчи Ш.Мадиевнинг бошқарувида бўлган “Хундай Соната” русумли автомашинани орқа қисмидан уриб юборганлигини, шундан сўнг ҳам “Исузу” русумли юк машинасини уни машинасини чеккага суриб юбориб, “Хундай Соната” русумли автомашинанинг орқа ва ўнг томонидан уриб юбориб йўл-транспорт ҳодисаси содир қилганлигини, ушбу йўл транспорт ҳодисасидан сўнг тез тиббий ёрдам машинасини уни ва бошқаларни шифохонага олиб кетишганлигини, у шифохонада икки кун давомида ётиб даволанганлигини, уни судланувчи Д.Аслановга нисбатан даъвоси борлигини, суддан судланувчидан автомашинасига етказилган 41 696 040 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичнинг айби шунингдек, жиноят ишининг дастлабки суриштирув ва тергов ҳужжатлари билан, яъни, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотосурталари, судга оид тиббий, автотехник, трассалогия ва баҳолаш экспертиза ҳулосалари, суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган фуқаровий



даъвогар Ж.Ботиовнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари ҳамда жиноят ишининг бошқа ҳужжатлари билан тўлиқ тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичнинг транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида **жабрланувчиларга ўртача оғир ва оғир шикаст етказилишига** сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичнинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилали бўлиб, қарамоғидаги 2 нафар фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатларида жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги №10-сонли Қарорининг 25-бандида қайд этилган “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатларига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, яъни эҳтиётсизлик оқибатида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлигини, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини, қарамоғида 2 нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, моддий ахволи оғирлигини, шу билан бирга жиноят натижасида етказилган зарарларни қопламаганлигини, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)ларни унга нисбатан даъвоси мавжудлигини инобатга олиб, содир этган жинояти учун жазо санкциясида назарда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни, судланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасини тадбиқ қилиб, қўшимча жазо тариқасида уни муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари алоҳида-алоҳида ижро қилишни им топади.



Суд, ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичдан жабрланувчи Мадиев Шодибой Пирмахматович фойдасига 19 724 000 (ўн тўққиз миллион етти юз йигирма тўрт минг) сўм, жабрланувчи Кучаров Лазиз Эркинович фойдасига 6 000 000 (олти миллион) сўм, “Транс Азия” МЧЖ (ИИН 306150466, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 4^а-уй) фойдасига 262 804 232 (икки юз олтмиш икки миллион саккиз юз тўрт минг икки юз ўттиз икки) сўм, фуқаровий даъвогар Пардаев Салим Суванович фойдасига 41 696 040 (қирқ бир миллион олти юз тўқсон олти минг қирқ) сўм, фуқаровий даъвогар Ботиров Журабек Хайдарович фойдасига 101 387 747 (бир юз бир миллион уч юз саксон етти минг етти юз қирқ етти) сўм миқдоридаги зарарларни ундиришни лозим топади.

Суд, иш бўйича жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларга келгусида аниқланадиган бошқа моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Д.Аслановдан ундириш бўйича, ушбу талаб билан асосли ҳужжатларни тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиришни лозим топади.

Суд, далилий ашё сифатида эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига тикилган ҳолда судга юборилган касаллик тарихларини жиноят иши ҳужжатларида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211,454-457, 463, 465-468, 471, 473, 475-476-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи **Асланов Дилмурод Гафурович** (Aslanov Dilmurod Gafurovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 45-моддасига асосан қўшимча жазо тариқасида 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, жазо ижросини назорат қилувчи оргналар томонидан белгилаб берилган бошқа жойларда ўтаттирилсин ва жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш судланувчини яшаш жойи бўйича Сурхондарё вилояти, Денов туман ИИБ Пробация гуруҳи (бўлими) зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичга нисбатан тайинланган муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш қўшимча жазосини ижро қилиш Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҲХБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.



Хукм қонуний кучга киргач:

-судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

-судланувчи Асланов Дилмурод Гафуровичдан жабрланувчи Мадиев Шодибой Пирмахматович фойдасига 19 724 000 (ўн тўққиз миллион етти юз йигирма тўрт минг) сўм, жабрланувчи Кучаров Лазиз Эркинович фойдасига 6 000 000 (олти миллион) сўм, “Транс Азия” МЧЖ (ИИН 306150466, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 4^а-уй) фойдасига 262 804 232 (икки юз олтмиш икки миллион саккиз юз тўрт минг икки юз ўттиз икки) сўм, фуқаровий даъвогар Пардаев Салим Суванович фойдасига 41 696 040 (қирқ бир миллион олти юз тўқсон олти минг қирқ) сўм, фуқаровий даъвогар Ботиров Журабек Хайдарович фойдасига 101 387 747 (бир юз бир миллион уч юз саксон етти минг етти юз қирқ етти) сўм миқдоридаги зарарлар ундирилсин.

Иш бўйича жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларга келгусида аниқланадиган бошқа моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Д.Аслановдан ундириш бўйича, ушбу талаб билан асосли ҳужжатларни тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Далилий ашё сифатида эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига тикилган ҳолда судга юборилган касаллик тарихлари жиноят иши ҳужжатларида қолдирилсин.

Хукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ва прокурор протест билдириши, мазкур муддат ўтгач қонуний кучга кирган ҳукм устидан шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

М.Сафаров

“Хукм нусхаси аслига тўғри”

**Жиноят ишлари бўйича Самарқанд
туман судининг судьяси**

М.Сафаров

Маъсул судья: Сафаров Мирмухсин Миркомилович

